

Zamira Davlatova¹

Akbar Jumayev²

Impact Factor: 9.2

ISSN-L: 2544-980X

FUNDAMENTALS OF DEVELOPMENT OF TOURISM THROUGH NATIONAL CRAFT PRODUCTS

(Zamira Davlatova, Akbar Jumayev)

Annotation: The pandemic conditions in the world have had a serious impact on the tourism industry. All countries are analyzing integration processes with other sectors to develop this sector. Tourism indicators and national handicraft activities in Uzbekistan for 2010-2020 were selected for the analysis. According to the results of the analysis, it is possible to develop the online trade of national handicrafts and the attractiveness of tourism in general by digitizing national handicrafts by placing QR-codes. It has a very strong impact on the number of tourists in the sale of national handicrafts.

Keywords: tourist flow, tourism services, sale of national handicrafts, Delphi method, QR-code, cointegration models

Кириш

2019 йилда туризм соҳаси республиканинг тез ривожланаётган соҳаларидан бирига айланиши, йиллик туристлар сонининг олти миллиондан ошганлиги, туризм тушумларининг бир миллиард АҚШ долларига етиши бу соҳада тўғри ислоҳот амалга оширилганлиги билан белгиланади. 2020 йилда бошланган пандемия эса кескин равишда туристлар оқими ва тушумига жиддий таъсир ўтказди. Кўплаб соҳалар қатори миллий ҳунармандчилик маҳсулотлар савдоси ҳам туристлар оқимига боғлиқ бўлганлиги сабабли тушиб кетди.

Кейинги йилларда миллий ҳунармандчилик соҳасини ривожлантириш учун бир қатор қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан Ҳунармандчилик фаолиятининг асосий ўналишлари, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар ва товарлар (ишлар, хизматлар) турларининг 34 ўналишдаги рўйхати тасдиқланди. Ҳунармандчилик маҳсулотларини хорижий давлатларга олиб чиқиши борасида ҳам ҳунармандларимизга талай имтиёзлар берилган, жумладан, мамлакатимизда 24 ўналишдаги ҳунармандчилик маҳсулотлари экспертиза йигимидан озод этилди. Ҳунармандларимиз ушбу имтиёзлардан муносиб равишда фойдаланиб, ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан халқаро фестиваль, кўргазма-танловларда иштирок этмоқдалар. Миллий ҳунармандчилик маҳсулотларимизни хорижий давлатларда ҳам намойиш этиши ва ҳунармандларимиз томонидан яратилаётган маҳсулотларга чет элликларнинг қизикишини инобатга олиб, дунёнинг 30 га яқин давлатларида 100 дан ортиқ ҳунармандларимизнинг ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилган. Дунё миқёсида ўтказилаётган кўплаб нуфузли кўргазма ва фестивалларда ҳунармандларимиз иштироки таъминланмоқда. Бу тадбирларда уста-ҳунармандларимизнинг муносиб иштироки ташкилотчилар томонидан эътироф этилиб, улар дипломлар, сертификатлар ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган. Ўнга яқин ҳунармандларимизнинг шахсий кўргазмалари ташкил қилинган. Ҳар йили уюшма аъзоларидан 10 дан ортиғи Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-кувватлаш Фондидан грант маблағлари олиб, ўз фаолиятларини ривожлантиришга сарфламоқдалар.

Мұхтарам Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони оиласи тадбиркорлик,

¹ Assistant, Department of Electronic Commerce and Digital Economy, Tashkent Financial Institute, Tashkent, Uzbekistan.
Mail: zamiradavlatova1972@gmail.ru ORCID: 0000-0003-0053-4953

² PhD, Tashkent Financial Institute, Department of Statistics and Econometrics, Tashkent, Uzbekistan. Email:
akbarjumayev@rambler.ru ORCID: 0000-0001-8935-032X

хунармандчилик билан шуғулланаётган инсонларга шарт-шароитлар яратишига янада кенг имкониятлар эшигини очди. Бу тарихий хужжат халқ амалий санъатини янги босқичга олиб чиқиши билан бирга ахоли даромадларининг ошишига туртки бўлди. Маълумки юртимизда хунармандчилик қадимдан тарақкий этган аждодларимиз ушбу соҳанинг кўплаб турлари билан фаол шуғулланган халқимиз хунар ўрганиб, турли бежирим буюмлар яратиши, кудалик хаётда аскатадиган жиҳозлар тайёрлаш, шу оркали ўз меҳнати билан одамларга наф келтиришни қадрият даражасига кўтарган. Хунармандчиликнинг у ёки бу йўналиши бир оила вакилларининг асосий машгулотига айланиши натижасида моҳир хунармандлар сулоласи вужудга келган. Жойларда ўзига хос мактаблар шаклланган. Маълумки, миллий хунармандчилик Ўзбекистонда қадимдан ривожланган ва хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш аждодлардан авлодларга анъанавий тарзида ўргатиб келинган. Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам бу ҳақида кимматли маълумотлар келтирилган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин тадқиқотчиларнинг миллий хунармандчилик ва хунармандлар тайёрлаш масаласини ўрганишига бўлган қизиқишлари янада фаоллашди. Жумладан, мустақиллик йилларида Ш.Фойибназаров, И.Жабборов асрлари, А.Тўқсонов, И.Сулаймонов, А.Кураҳмедов, М.Ҳамидованинг илмий мақолалари эълон қилинган. Ўзбекистондаги хунармандчилик тарихини бир қатор хорижлик тадқиқотчилар ҳам ўрганишига ҳаракат қилишган. Немис олимлари Жудит Пелтз ва Клаус Пандерлар томонидан яратилган асрларда ўзбек халқининг турмуш тарзи, анъанавий хўжалик турлари, шу жумладан миллий хунармандчилик тарихи, унинг соҳалари тўғрисида кисқа маълумотлар учрайди. Габриеле Келлер томонидан яратилган тадқиқот кенг камровли ва ўзбек анъаналари фотосуратларида акс эттирилиб, шу жумладан, “Тикиш ва тўқиши Ўзбекистонда юксак даражали хунарманчилик намуналари ҳисобланиб, ўзбек аёллари томонидан маҳорат билан амалга оширилади, айниқса, зардўзлик лиbosлари тантаналарда кийилади ва катта эътиборга сазовор” Немис тадқиқотчилари Б.Волленвебер, П.Франкеларнинг тадқиқотида муҳим маълумотлар берилган бўлиб, қадимий гламдўзлик марказлари Фаргона, Нурота, Сирдарё, Сурхондарё ва Қорақалпоғистонда кенг ривожланганлиги эътироф этилган. Мустақиллик йилларида хунармандчиликнинг ривожланиши ҳақида француз тадқиқотчилари томонидан ҳам асрлар яратилган. Масалан, Гералд Дегеорге ва Пиерри Чувенларнинг тадқиқотларида ўзбек хунармандчилиги соҳалари, жумладан, наққошлиқ каштачилик тарихига оид бўлган маълумотлар берилган. АҚШлик тадқиқотчилар томонидан миллий хунармандчилик тарихи, унинг ҳозирги ривожланиш хусусиятлари, худудий ўзига хослиги тўғрисида қимматли маълумотлар келтириб ўтилган. Риштон кулолчилиги, Марғilonда ипакчилик соҳаси ва тўқувчи хунармандлар ҳақида К.Меклид, Б.Мехьюлар томонидан берилган маълумотлар учрайди. Яна бир тарих тадқиқотчиси У.А.Қиличев мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий хунармандчиликнинг ривожланишини тадқиқ этар экан, миллий хунармандчилик туризмнинг ривожланиш омили эканлигини таъкидлайди. У тадқиқот натижаларига таяниб қуйидаги тавсия ва таклифларни илгари суради: “... - миллий хунармандчилик билан боғлик ташкилот, уюшма, кўмита, жамғармаларнинг хукуқлари ва амалий фаолияти доирасини янада кенгайтириш чоратадбирларини ишлаб чиқиши; - соҳа юзасидан халқаро алоқаларни янада кенг йўлга қўйиш, сайёхлик обьектларини жаҳон стандартлари асосида жиҳозлаш, қулай таклифлар орқали сайёхларни кўпроқ жалб этиш, миллий хунармандчиликни ривожлантириш туризмнинг тарақкий этишидаги омил эканлигига аҳамият берганлиги, хунармандчилик тарихини ривожлантириш бўйича берган тавсия ва таклифларини юкори баҳолаймиз.

Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий географик асосларини тадқиқ этиш ўзига хос спетсифик долзарбликка эга. Туризм XXI асрда энг тарақкий этадиган жараён бўлиб, у энг муҳим даромад манбаига ҳам айланади. Туризм мамлакатлар хўжалик тизимиға таъсир кўрсатиб, унинг хизматлар кўрсатиш соҳасига ихтисослашувига ҳам сабаб бўлади. Бугунги кунда туризм ва хизматлар кўрсатиш жараёнларига оид кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Умумжаҳон туризм соҳаси сўнгги ярим аср давомида турли муаммоларнинг салбий таъсирига учради. Табиий оғатлар ва эпидемиялар, жиддий ижтимоий

портлашлар ва урушлар ҳамда жанговар харакатлар, иқтисодий инқизозлар ва терроризм каби ҳодисалар соҳанинг ривожланишига етарлича тўсқинлик қўрсатди. Ана шундай хавфларга қаршилик қўрсатар экан, туризм индустряси мураккаб ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шароитларга мослашиш ва фаолият юритиш қўникумаларини ўзлаштириб олиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Материал ва Метод

Миллий хунармандчилик маҳсулотларини савдосини таҳлил қилиш ва туристлар оқими камайганини ҳисобга олиб, ҳам миллий хунармандчиликни ривожлантириш ҳамда шу билан бир каторда айнан шу соҳа орқали рақамили технологияларни қўллаш, туризмни ривожлантириш учун хунармандлардан танланма кузатув асосида таҳлил амалга оширилди. Мақола муаллифлари томонидан Delphi методини қўллаган ҳолда ҳозирда мавжуд 38 минг хунармандлар орасидан 250 таси ажратилиниб олинди. Хунармандларни танлаб олишда уларнинг тажрибаси, савдо ҳажми, чет элга экспорт қилиш ҳажми каби ҳолатлар инобатга олинди. Муаллифлар томонидан қўйидаги саволларни қамраб олган саволнома ишлаб чиқилди:

1. Сиз пандемия шароитида сотувларни қандай амалга оширедингиз?
2. Online сотув деганда нимани тушунасиз?
3. Фаолиятингизда рақамили технологиялардан фойдаланасизми?
4. Маҳсулотингизни интренет магазин орқали сотилишини хоҳлайсизми?
5. Сотув ҳажмини ошириш учун маҳсулотларига уникал QR-код қўйиш хоҳлайсизми?
6. Маҳсулотингизни ўз вақтида етказиб беришни беришничи?
7. Сиз маҳсулотингизни ижтимоий тармоқлар орқали реклама қилишни истармидингиз?
8. Дунё бозорларида маҳсулотга бўлган талабни билишни ҳоҳлармидингиз?
9. Хорижга маҳсулотингизни Online етказиб беришничи?
10. Янги рақамили технологиялардан фойдаланишини ва фаолиятингизни кенгайтиришни ҳоҳлайсизми?

Республикадаги мавжуд 14 худуднинг ҳар биридан 16 дан ортиқ хунармандлар танланма кузатувга жалб қилинди. Delphi методини шундан иборатки, саволнома ҳар бир хунармандга юборилиб, аноним тарзда жавоблар қабул қилинади ва умумлаштирилади.

Хунармандчилик маҳсулотларини бир қисми ички бозорга сотилса, бир қисмини давлатга ташриф буюрган туристлар сотиб олишади ҳамда қолган қисми чет элга экспорт қилинади. Буни қўйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$[\ln(\text{ce})]_{\text{it}} = \alpha + \beta [\ln(\text{ip})]_{\text{it}} + \beta_1 [\ln(\text{tn})]_{\text{it}} + [\beta_2 \ln(\text{ex})]_{\text{it}} \quad [1]$$

Бунда, $[\text{ce}]_{\text{it}}$ – t даврда i хунарманднинг даромадини, $[\text{ip}]_{\text{it}}$ – t даврда i хунарманднинг ички бозоридаги даромадини, $[\text{tn}]_{\text{it}}$ – t даврда i худудга ташриф буюрган турист сони, даромадини, $[\text{ex}]_{\text{it}}$ – t даврда i –хунарманднинг экспорт қилган миллий хунармандчилик маҳсулотлари ҳажми англатади.


Афсуски пандемия шароитида туристлар ташрифи анча камайди. Хунармандчилик маҳсулотлари савдосида 45% кирувчи туристлар ҳисобига тўғри келган, 25% халқаро кўргазмалар доирасида амалга оширилган. 5% савдо эса онлайн тарзда амалга оширилган.

Натижалар

Delphi методи асосида ўтказилган танланма натижаларига асосан танланмага қатнашган 250 респондентдан 13,9% пандемия шароитида ҳам одатдагидек ўз ишини давом эттираётганлиги аниқланди. 51% респондент эса ўз фаолиятида даромади камайганлигини эътироф этган бўлса, 22,8 % респондентлар молиявий ресурсларга зарурлигини таъкидлашди.

Пандемия шароитида туристлар оқими камайганлиги сабабли 18,3% респондентлар ўз маҳсулотларини халқаро бозорга сотиши, экспорт қилиши аниқланиб, 41,1% респондентлар эса ўз маҳсулотларини олдинги

ўзларининг мижозларига айланган туристларга сотганлиги аниқланди. Ҳунармандчилик фаолияти давомийлиги ҳам муҳим омил экан, яъни ўз фаолиятини 10 йилдан ортиқ давом эттираётганлар ўзларининг доимий турист мижозларига эга экан. Пандемия холатида кўплаб ҳунармандлар ўз маҳсулотларини турли ижтимоий тармоқлар орқали онлайн тизимида сотганлиги аниқланди.



1-расм. Ҳунармандларининг онлайн савдоси ҳолати

Пандемия шароитигача танланма кузатувда иштирок этган 16% респондентлар ўз маҳсулотларини ҳам бозорда ҳам онлайн тизимида сотган бўлса, пандемия шароитида 86% ҳунармандлар онлайн тизими орқали сотовуни амалга оширганлар.

Юқоридаги барча саволларни умумлаштирилганда миллий ҳунармандчилик маҳсулотлар савдоси онлайн савдони ривожлантириш орқали ўзларининг аввалдан мижоз бўлиб келган туристларига сотиш энг асосий омиллардан эканлиги аниқланди. Тадқиқотлар натижасида хар бир ҳунарманд ўз маҳсулотлари орқали туризм жозибадорлигини ошириши мумкинлиги, туристлар оқимиға миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кучли таъсир ўтказар экан.

Тўпланган статистик маълумотлар ва танланма кузатув маълумотларини умумлаштирган холда туристлар оқимиға миллий ҳунармандчилик маҳсулотлар таъсирини ўрганиш мақсадида эконометрик модел ишлаб чиқилди.

Юқорида муаллифлар томонидан таклиф қилинган регрессия тенгламаси ўзгарувларни эконометрик таҳлил килиб, 2010-2019 йилларда миллий ҳунармандчилик маҳсулотлар ҳажми, ички бозордаги улуши, кирувчи туристлар сони, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлар экспорти орасидаги боғликлекни тадқик этилди.

Хисоб китоб ишлари бажарилди ва қуйидаги натижаларга эришилди.

1-жадвал

Регрессион тенгламама натижалари

Ўзгарувчилар	Коэффициент	Std. хатолик	t-статистика	Эҳтимоллик
Озод ҳад	3,76	0,41	9,21	0,01
IP	0,20	0,07	2,89	0,03
ТТ	0,43	0,06	5,44	0,01
EX	0,23	0,06	3,88	0,01

1-жадвалда туризм ялпи қўшилган қиймати, туризм тушумлари, туризм харажатлари ва туризм инвестицияси орсидаги боғлиқликни кўрсатувчи регрессия миқдори ҳамда стандарт хатолик, статистикалар ва эҳтимолликлари берилган.

$R^2 = 0,98$ тенг. Демак ушбу омиллар Y боғлик ўзгарувчидаги бўладиган ўзгаришнинг 98% ини тушунтириб берар экан.

Регрессия тенгламасини ишончлилигини F ва t тестлар орқали текширилади. Нолинчи ва бир ёқлама алтернатив гипотезаларни қўйидагича ёзилади:

$$H_0: \rho^2=0$$

$$H_1: \rho^2>0$$

$\alpha=0,05$ аҳамиятлилик даражаси учун F нинг киритик қийматини топамиз: $F_j=F\alpha(k-1;n-k)=F0,05(3;7)=2,62$

2- жадвал

ANOVA жадвали:

Дисперсия	Эркинлик даражаси (DF)	Квадратлар йигиндиси (SS)	MS	F-нисбат
Регрессия	3	3,90	1,30	159,45
Қолдиқлар хатолиги	6	0,05	0,01	
Жами	9	3,95		

F танланманинг ҳисобланган қиймати эса, $F=(SSR/(k-1))/(SSE/(n-k))=21,24=159,45$

Бу ерда, n -кузатувлар сони; k -ўзгарувчилар сони; SSR – регрессия квадратларининг йигиндиси; SSE – қолдиқ квадратларининг йигиндиси.

Ҳал қилувчи қоида: $F_j < F_h$ бўлгани учун H_0 гипотеза рад этилади.

Моделда t -тест ўтказишдан максад, бош тўпламнинг таҳмин қилинган чизиқли регрессия тенгламаси коэффицентларининг нолдан аҳамиятли фарқ килишини, яъни уларнинг тасодифий эмаслигини текширишда иборатдир.

Мос нолинчи ва бир ёқлама гипотезаларни қўйидагича тузилади:

$$H_0: \beta_1 \leq 0 \quad H_0: \beta_2 \leq 0 \quad H_0: \beta_3 \geq 0 \quad H_0: \beta_4 \geq 0$$

$$H_1: \beta_1 > 0 \quad H_1: \beta_2 > 0 \quad H_1: \beta_3 < 0 \quad H_1: \beta_4 < 0$$

$\alpha=0,05$ аҳамиятлилик даражаси учун t нинг критик қийматини топилади:

$$tcr=t\alpha(n-k)=t0,05(7)=1,71$$

Энди эса t нинг танланма ҳисобланган қийматини ҳисоблаймиз. Бунинг учун аввало бизга зарур баъзи статистик қийматларни аниқлаштириб оламиз.

Регрессия коэффициэнтларининг стандарт хатолиги

$$Sb1=0,41; Sb2=0,07; Sb3=0,06; Sb4=0,06;$$

$$t1=9,21; t2=2,89; t3=5,44; t4=3,88;$$

Ҳал қилувчи қоида: $tcr < |ti|$ ($i=1,2,3,4,5$) бўлгани учун барча ҳолда H_0 гипотеза рад этилади. Демак, бош тўпламнинг таҳмин қилинган регрессия тенгламасининг барча коэффициэнтлари мусбат. Танлаб олинган модел F -тест ва t -тестдан муваффақиятли ўтди.

Яқуний регрессия тенгламаси:

$$\ln^{[10]}(ce)=0,20\ln^{[10]}(ip)+0,43\ln(tn)+0,23\ln^{[10]}(ex)+\varepsilon \quad (3.2)$$

Миллий хунармандчилик маҳсулотлари савдосида туристлар сони кучли таъсир ўтказар экан, детерминация коэффициенти 98%га тенгли миллий хунармандчилик маҳсулотлари савдосида ушбу омиллар кучли таъсир

етишини ифодаламоқда. Регрессия тенгламасининг ишончлилигини F-тест ва t-тест орқали баҳолаганимизда барча параметрлар ва тенглама ўзи ҳам ишочли эканлиги аниқланди.

Мунозара

Тадқиқот давомида миллий хунармандчилик ва туризм соҳасининг ўзаро боғлиқлигини биргалиқда таҳлил қилган ҳолда, ушбу соҳалар ўзаро боғлиқлиги модели ишлаб чиқилди. Модел адекватлигини текшириш мақсадида F-тест ва t-тест орқали баҳолаганимизда барча параметрлар ва тенглама ўзи ҳам ишочли эканлиги аниқланди. Моделни тузишда айнан логорифмик кўп омилли регрессия тенгламасини тўғри танланганлиги, параметрлари энг кичик квадратлар усули орқали топилганлиги ҳам текширилди.

Модел натижаларига асосан хунармандлар ички бозордаги улуши 1% ошса, хунармандлар даромади 0,20% ортар экан. Демак, ички бозор ҳам пандемия шароитида миллий хунармандчилик маҳсулотлари учун асосий бўлиб қолмоқда.

Республикага ташриф буюрувчи ҳар бир турист албатта совға олишга ҳаракат қиласи, бунда айнан қўл меҳнати орқали тайёрланган миллий хунармандчилик маҳсулотлари биринчи ўринни эгаллайди. Моделга кўра республикага ташриф буюрувчи туристлар 1% ошса, миллий хунармандчилик савдоси 0,43% кўпаяди. Агар туристлар келиши камайса, ўз навбатида миллий хунармандчилик савдоси ҳам кескин тушиб кетади. Delphi методи орқали ўтказилган танланма кузатув натижаларига кўра кўп йиллик тажрибага эга хунармандларининг доимий мижоз туристлари мавжуд, уларга онлайн савдони сакланганлиги, туристлар камайишини олдини олиши мумкин.

Миллий хунармандчилик маҳсулотларини экспорт килиш ҳам республикага туризм жозибадорлигини оширади. Хорижда миллий хунармандчилик маҳсулотларини сотиб олган истеъмолчилар, албатта давлатга келишга, миллий хунармандчилик маҳсулотларини жойидан олишга, уларнинг тайёрланишини қўришга қизиқади. Модел натижаларига кўра миллий хунармандчилик маҳсулотларининг экспортининг 1% га ошиши, хунармандчилик маҳсулотлар савдосини умимий ҳолда 0,23 фоизга ортишига олиб келади.

Моделдан кўринадики, энг кучли таъсир қилувчи омил кирувчи туристлар сони экан. Пандемия шароитида туристлар кириши учун чегараларнинг ёпиқлиги ҳолатида, биз ҳар миллий хунармандчилик маҳсулотларига QR коди ёпиширилиб, ушбу тизим орқали сотилган миллий хунармандчилик маҳсулотлари орқали республикага туристлар оқимини ошириш мумкин.

Хулоса

Илмий тадқиқот давомида қўйидаги хулосалар шакллантирилди:

Миллий хунармандчилик ва туризм соҳаларини ривожлантириш учун давлат томонидан кенг қўламдаги шарт-шароитлар яратилган бўлиб, улардан оқилона фойдаланиб иш юритилса, самарадорлик ҳам шунга яраша юқори бўлар эди.

Бугунги кунда миллий хунармандчилик маҳсулотлари нафакат хорижий меҳмонларда, балки маҳаллий сан'атга қизикувчиларнинг ҳам диккатини кўпроқ тортмоқда.

Юртимизга келадиган ҳар бир сайёҳ авваламбор, бизнинг маданиятимизга, яшаш шароитимизга қизиқиб турист сифатида ташриф буюради. Ўз ватанига қайтаётганида у ўзи учун шу илик ҳислатларни эслатувчи бирор соувенир сотиб олиб кетиш илинжига тушади. У шаҳарни айланиб юрган кезлари сотиб олиши мумкин. Аммо баъзи туристлар Миллий хунармандчилиқда самарадорликни оширишда кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Хунармандларга онлайн савдони рағбатлантириш учун шароитлар яратиш, ҳар бир маҳсулотларга QR кодини таъминлаш ва бу орқали туризм соҳасини ривожланитирш шарт.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- [1] Bolotin, Yu.E., and Sanzharova, G.D. 2019. International cooperation as a priority area of tourism development in Uzbekistan. Economics and Entrepreneurship, 1(102): 297-9. (in Russian)

- [2] Borisova, A.O. 2019. Factors and areas of developing export tourism potential of Russia. Vector of Science of the Togliatti State University. Series: Economics and Management, 2(37): 5-12. (in Russian)
- [3] Cherkasov, I.L., et al. 2017. The effect of international tourism on the development of global social-economic processes. Journal of Environmental Management and Tourism, 6(22): 1166-70. DOI: [https://doi.org/10.14505/jemt.v8.6\(22\).02](https://doi.org/10.14505/jemt.v8.6(22).02)
- [4] Karaulova, N.M., et al. 2017. Methodical approaches to forecasting tourist streams. Espacios, 38(48): 22.
- [5] Konovalova, E.E., et al. 2018. Forming approaches to strategic management and development of tourism and hospitality industry in the regions. Journal of Environmental Management and Tourism, 2(26): 241-7. DOI: [https://doi.org/10.14505/jemt.v9.2\(26\).03](https://doi.org/10.14505/jemt.v9.2(26).03)
- [6] Kostin, K.B., and Nan, L. 2019. Development of the criteria and methods of assessing the efficiency of international tourism activities. Economic relations, 9(2): 539-52. (in Russian)
- [7] Nikiforov, A.I., et al. 2018. Economic and legal support for the use of coastal territories in a tourism-recreation sector. International Journal of Civil Engineering and Technology, 9(13): 1048-54.
- [8] Safaeva, S.R. (2019). Improving the organizational, economic and institutional mechanisms of managing the sphere of tourism in Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 03 (71): 545-552.
- [9] Safaeva, S.R., Ishankhodjaeva, D.A., and other. 2019. Economic and Legal Aspects of Tourism Regulation in the New Economy: International Practice. Journal of Environmental Management and Tourism, 2(34): 460 - 465.
- [10]Клиев У. А. Ўзбекистонда миллий хунармандчиликнинг ривожланиши (1991–2006 йй.): Тарих фан. ном. ... дис. автореф. Тошкент, 2010.83
- [11]Солие в А. С., Усманов М. Р. Туризм географияси (Самарқанд вилояти мисолида). Самарқанд, 2005.
- [12]Таксанов А. Азбука экотуризма. Ассоциация путешественников “Рабат Малик”. Ташкент, 2005.
- [13]Ўзбекистон Республикаси Халқ усталари, хунармандлари “Хунарманд” уюшмаси материаллари. Тошкент, 2008.
- [14]Хайтбоев Р., Саторов А. Туризм маршрутларини ишлаб чикиш технологияси. Самарқанд, 2009.
- [15]Александров А. Ю. Международный туризм. Уч.пособие для вузов. М.: Аспект Пресс, 2004.